

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2026-yil 5-mart, payshanba

№ 10 (9382)

t.me/Qishloqhayoti_gazetasi

Муносабат

АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИДА ЯНГИ БОСҚИЧГА ҚАДАМ ҚЎЙИЛМОҚДА

Президентимизнинг “Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Одил судлов академияси профессорлари, юридик фанлар доктори Фозилжон Отахонов фармоннинг муҳим жиҳатлари ҳақида гапириб берди:

– Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш ва унинг қонуний манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Мазкур ҳужжат хотин-қизлар ва вояга етмаганларга нисбатан ҳар қандай кўри-нишдаги зўравонликка қарши курашишда муросасиз муҳитни шакллантириш ва суд ҳимоясининг мутлақо янги, самарали механизмининг яратилишига қаратилгани билан аҳамиятли.

Аввало, эрта никоҳ ва никоҳ ёшига оид қонунчилик бузилишларининг олдини олишга қаратилган янги механизмлар судлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Никоҳ ёши тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, вояга етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш, шунингдек, бундай ҳолатлар ҳақида хабар бермаслик билан боғлиқ маъмурий ишлар судлар томонидан пухта, ҳолис ва тезкор кўриб чиқилиши талаб этилади.

Бунда, боланинг энг яхши манфаатлари таъминли устувор аҳамият касб этиши шарт. Суд амалиётида мазкур таъминлини чуқур ва мазмунли қўллаш вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини реал ҳимоя қилишнинг асосий қафолатига айланиши лозим.

Фармонга мувофиқ, Жиноят кодексининг жинсий эркинликка қарши қатор моддалари бўйича терговга қадар текширув ва дастлабки терговни фақат прокуратура органлари амалга ошириши белгиланди. Бу процессуал ваколатларни марказлаштириш орқали далилларни йиғиш ва баҳолаш сифатини ошириш, жиноятларнинг латентлигини камайитириш ҳамда жабрланувчиларни самарали ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Судлар эса бундай тоифадаги ишлар бўйича адолатли суд муҳокамаси, шахсий ҳаёт дахлсизлиги ва иккиламчи жабрланушнинг олдини олиш каби юқори стандартларга амал қилиши шарт бўлади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, 2027 йилдан бошлаб аёллар ва болаларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятлар, қонда тарикасида, махсус тайёргарликдан ўтган судьялар томонидан кўриб чиқилади.

Бу ихтисослашув суд қарорларининг сифатини ошириш, гендер сезгирлик ва болалар психологиясига оид билимларни амалиётга жорий этиши имконини беради.

Бу борада Олий суд, Судья-

лар олий кенгаши ҳамда Одил судлов академияси зиммасига катта вазибалар юкланади. Судьяларни халқаро стандартлар асосида тайёрлаш, малака ошириш дастурларини янгилаш ва махсус компетенцияни шакллантириш бу ислохотнинг амалий натижасини белгилаб беради.

Фармонда назарда тутилган жазони оғирлаштириш, айрим тоифадаги маҳкумларга нисбатан енгилаштириш тартибларини чеклаш, шунингдек, руҳий ҳолатига доир шубҳа бўлган шахсларни мажбурий амбулатор психиатр кўригидан ўтказиш каби нормалар судлардан янада пухта ҳуқуқий ёндашуви талаб қилади.

Бунда, айбисизлик презумпцияси, жазони индивидуаллаштириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш таъминлини ўртасида мувозанат сақланиши алоҳида аҳамият касб этади. Ҳар бир суд ҳужжати чуқур асосланган ва қонуний бўлиши зарур.

Шу билан бирга, маъмурий ишни судга юборишдан олдин прокурор томонидан жиноят аломатлари мавжуд эмаслиги ҳақида қарор қабул қилиниши тартибининг жорий этилиши процессуал филтёр вазифасини бажаради. Бу судларга асосиз материаллар келиб тушишининг олдини олиш, ишларнинг сифатли ва самарали кўриб чиқилишини таъминлашга хизмат қилади.

Фармон суд ҳокимиятининг профилактик ва маърифий ролини ҳам кучайтиради. Судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фахрийларининг таълим муассасаларида ёшлар билан учрашувлар ўтказиши, жамиятда зўравонликка нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тарғибот ишларида иштирок этиши суд тизимининг очқиллиги ва жамоатчилик билан мулоқотини янги босқичга олиб чиқади.

Умуман олганда, мазкур фармон судларни фақат низоми ҳал қилувчи орган эмас, балки аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоячиси, ижтимоий адолат ва ҳуқуқий маданиятни таъминловчи институт сифатида янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Бу ҳужжат суд-ҳуқуқ тизимида ихтисослашувни кучайтириш, процессуал стандартларни ошириш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ислохотларнинг изчил давоми сифатида тарихий аҳамият касб этади.

ЎЗА МУХБИРИ
НОРГУЛ АБДУРАИМОВА
ёзиб олди.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Наманган шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг чорвачиликни ривожлантиришга оид қарорлари ижросини таъминлаш доирасида вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати томонидан ташкил этилган матбуот анжумани Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳамда Франция тараққиёт агентлиги ҳамкорлигида амалга оширилаётган “Чорвачилик соҳасини барқарор ривожлантиришни молиялаштириш” лойиҳасига бағишланди.

Тадбир давомида лойиҳанинг асосий йўналишлари, тадбиркорларга кўрсатилган молиявий кўмак механизмлари ҳамда уни амалга оширишнинг жорий босқичида эришилган натижалар тақдимот қилинди. Айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун яратилган имкониятлар иштирок-

Чорвачиликни ривожлантириш лойиҳаси: АФЗАЛЛИК ВА САМАРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



чилар диққат марказида бўлди. Умумий қиймати 100,0 миллион евро-ни ташкил этувчи ушбу стратегик лойиҳа 2022–2026 йилларга мўлжалланган бўлиб, унинг бош мақсади чорвачилик тармоғини илгор технологиялар асосида модерниза-ция қилиш, маҳсулдорликни ошириш ҳамда иқлим ўзгаришларини инobatта

олган ҳолда “яшил” иқтисодий ривож-лантиришдан иборат.

Лойиҳа доирасида тадбиркорларга миллий валюта эквивалентида 100 минг еврогача бўлган маблағлар 10 йил муддатга (3 йиллик имтиёзли давр билан) тақдим этилмоқда. Қўллаб-қувватлашнинг энг муҳим воситаларидан бири грант тизими

Матбуот анжумани



бўлиб, унга кўра, лойиҳа ишга туширилганидан сўнг олинган кредит суммасининг 30 фоизигача бўлган қисми тадбиркорга грант сифатида қайтариб берилади. Шунингдек, лойиҳа ташаббускори бўлган аёллар ва 24 ёшгача бўлган тадбиркор ёшлар учун қўшимча имтиёزلар кўзда тутилган бўлиб, улар учун жами грант миқдори кредит сум-масининг 40 фоизигача етиши мумкин.

Матбуот анжуманида лойиҳа доираси-да амалга оширилган ишлар сарҳисоб қи-линди. Аввал кредит олиб, ундан самарали фойдаланган наманганлик фермерларнинг фикрлари тингланди. Соҳа мутахассислари журналист ва блогерларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтардилар. ЎЗ МУХБИРИМИЗ.

Ёшларни гиёҳвандлик, КАШАНДАЛИК, ИЧКИЛИКБОЗЛИК ИЛЛАТЛАРИДАН АСРАЙЛИК!

Сир эмас, ҳозирги замонда гиёҳвандлик ва унга қарши курашиш умумбашарий муаммолардан, бутун дунё ҳамжамиятини, шу жумладан, мамлакатимизни ҳам жиддий ташвишга соладиган масалалардан бири. Бу муаммо ҳудуд, миллат, дин, жинс, ёш ва бошқа чегараларни билмаслиги билан ҳам ўта хавфли. Шунинг учун гиёҳвандликнинг олдини олиш ва унга қарши самарали кураш олиб бориш масаласи жаҳон ҳамжамиятидан барча куч ва воситаларни бирлаштириб, биргаликда ҳаракат қилишни талаб этади.



Рами толали экини

УНИ ТОЛА ОЛИШ МАҚСАДИДА ЭКИШ ВА ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ ҚАНДАЙ БЎЛДИ?

Рами қичитқи ўти сифатида танилган толали ўсимликлар асосан Жануби-Шарқий Осиёда ўсади. Хитой ушбу ноёб экиннинг туғилган жойи ҳисобланади, у ерда у 5000 йил олдин ишлатила бошланган. Тарихий ҳужжатлар шуни кўрсатадики, қадимги мисрликлар Рамидан бинт ва мато ясашда фойдаланганлар. Рами ишлаб чиқариш 19-асрда Европада энг машҳурликка эришди. Замонавий технологиялар толани қайта ишлаш сифатини сезиларли даражада яхшилади. Шуниси эътиборга лойиқки, Рами ўзига хос хусусиятлари туфайли тўқимачилик соҳасида алоҳида ўрин тутадиган “таянч толалар” тоифасига киради.



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ, ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА ТАЛАБАЛАРИГА МУРОЖААТНОМА

Хурматли устозлар, профессор-ўқитувчилар ва азиз талаба-ёшлар!

Кўксарой қароргоҳида муҳтарам Ўртбосшимиз бошчилигида 24 февраль куни бўлиб ўтган ёшлар билан очик мулоқот, билдирилган фикр ва мулоҳазалар, ил-гари сурилган ғоя ва ташаббуслар Янги Ўзбекистонда ёшлар учун яратилган шарт-шароитлар ва эътиборнинг юксак намунаси бўлди. Бутунгун кунда ёшлар юрт таянчи сифатида кўрилиб, уларга юксак ишонч билдирилмоқда. Ўз навбатида, ёшларимиз ҳам ўз билими, шижоати, умид ва интилишлари билан ўзларини намоён этиб, ўзбек ёшларининг энг юқори марраларни эгаллашга қодирлигини исботламоқда. Президентимизнинг ёшлар билан шахсан учрашиб, очик мулоқот қилиши, дилдан суҳбатлашиши Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ёшларга оид сиёсатнинг энг ёрқин ва унутилмас воқеасидир. Айни пайтда мамлакатимиз аҳолисининг аксарияти ёшлардан иборат. Давлатимиз раҳбари мулоқот чоғида буни алоҳида таъкидлар экан, “**Чўртмизда-ги 22 миллиондан зиёд ёшларимиз тимсолида биз жуда катта ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий кучни кўраимиз**”, деди.

Бугун ёшларимиз эришаётган янгидан-янги марралар, қўлга киритаётган муваффақиятлар ҳам, бунга замин бўлаётган имкониятлар қўлами ҳам тобора ортиб бормоқда. Яратилган кенг имкониятлар натижасида сўнги йилларда ёшларимиз жаҳон фан олимпиадаларида 66 та олтин, 147 та кумуш, 221 та бронза медалларини қўлга киритди.

Мулоқотда таъкидланганидек, ҳар йили меҳнат бозорига 600 минг ёш кириб келмоқда. 2030 йилга бориб бу кўрсаткич бир миллионга етади. Бу, ўз навбатида, уларга ўз қизиқиш ва имкониятига мос таълим-тарбия бериш, касб-хунарга ўргатиш ва иш билан таъминлашни энг устувор вазифа эканлигини англатади. Бу йилги мулоқот давомида давлатимиз раҳбари томонидан ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида илгари сурилган 32 та муҳим ташаббус биз, олий таълим соҳаси вакиллари учун амалий дастуриламалдир. Ушбу ташаббуслар ижросини таъминлаш, бунинг учун керакли барча зарур чораларни кўриш олий таълим соҳасида фаолият юритаётган барча масъулларнинг бурчидир. Айниқса, олий таълим муассасалари мазкур устувор вазифалар ижросини таъминлашда фаоллик кўрсатиб, меҳнат бозори талабларига мос, рақобатбардош ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш орқали ёшлар бандлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўлиши зарур. (Давоми 2-саҳифада)

ЎРНАНГАН БИЛИМ ВА ТАЖРИБАЛАРИМИЗНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ҚИЛАМИЗ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТОПШИРИҒИГА МУВОФИҚ ИЛК БОР ТАШКИЛ ЭТИЛГАН "АГРАР СОҲАДАГИ ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР" МАВЗУСИДАГИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ КУРСИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ АГРАР СОҲА ХОДИМЛАРИГА МУРОЖААТИ

Бугун юртимизда барча соҳаларда улкан ижобий ўзгаришлар, юксалиш ва тараққиёт жараёни кечмоқда. Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонимизда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида катта салоҳиятга эга бўлиб, унинг иқтисодийдаги барқарорлигини таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини оширишдаги ўрни ва аҳамияти ғоятда муҳим. Бу эса мазкур соҳада фаолият юритаётган барча қишлоқ хўжалиги ходимларига, миришкор деҳқон ва фермерлар, моҳир боғбон ва чорвадорларга, омилкор агроном ва механикаторлар, кластерларнинг тажрибали раҳбарларига юксак шараф ва айни дамда катта масъулиятдир.

Хурматли Президентимизнинг қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимларига йўллаган тараққиёт даврига қадим қўйди. Бугун рақамли трансформация, аниқ деҳқончилик (precision agriculture), дронлар орқали мониторинг, "SmartFarm" ва "DronService", сунъий интеллект, биоинженерия ва ген инженерияси, юқори хосилдор навлар селекцияси каби йўналишларда жуда катта янгиликлар юртимизга кириб келди. Уларни ўрганиш ва ўзлаштириш ҳар бир деҳқон ва фермер учун қанчалик муҳим эканига барчамиз амин бўлдик. Шунингдек, сув тежайдиган технологиялар, гидрогел қўллаш, лазерли ер текшириш, интенсив боғдорчилик, узумчилик, қайта ишлаш ва қадоклаш, чорвачилик ва баллиқчиликдаги замонавий усуллар деҳқоннинг даромадини бир неча баробар оширишига заррача шубҳа

Президентимиз топшириғига мувофиқ, аграр соҳа ходимлари учун илм бор ташкил этилган "Аграр соҳадаги илғор тажрибалар ва инновациялар" мавзусидаги қайта тайёрлаш курсида иштирок этиб, ўрганган янги билим ва тажрибаларимиз асосида қалбимизда тутилган фикр-мулоҳазаларимизни машаққатли меҳнати билан эл дастурхонига қўйиб қайта олиб кираётган сиз, фидойий ҳамкасбларимизга мурожаат тарзида йўллашни ўзимиз учун бурч деб билдик.

Хурматли деҳқон ва фермерлар!
Қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳам янги тараққиёт даврига қадим қўйди. Бугун рақамли трансформация, аниқ деҳқончилик (precision agriculture), дронлар орқали мониторинг, "SmartFarm" ва "DronService", сунъий интеллект, биоинженерия ва ген инженерияси, юқори хосилдор навлар селекцияси каби йўналишларда жуда катта янгиликлар юртимизга кириб келди. Уларни ўрганиш ва ўзлаштириш ҳар бир деҳқон ва фермер учун қанчалик муҳим эканига барчамиз амин бўлдик. Шунингдек, сув тежайдиган технологиялар, гидрогел қўллаш, лазерли ер текшириш, интенсив боғдорчилик, узумчилик, қайта ишлаш ва қадоклаш, чорвачилик ва баллиқчиликдаги замонавий усуллар деҳқоннинг даромадини бир неча баробар оширишига заррача шубҳа

йўқ. "АтябФудтеч", "Янглингригалчилар", "Агролаб" ва "Агро Ин витро" лабораториялари, "Илғор технологиялар" иссиқхонаси, рақамли чорва комплекси, "ХорротФинХаус" баллиқчилик кластери, "Бату экспорт", "ЭкоДрип Люкс" ва "Дрон Сервис" корхоналари ҳамда IT Park Uzbekistan, YANLIN демонстрация ҳудуди ва Agro-Food Technology Center фаолияти билан яқиндан танишар эканмиз, бундай корхоналар республикамиз шарафига ташкил этилгани ва уларнинг сони тобора ортиб бораётгани бизда кечкисиз фахр ва гурур уйғотди.

Бу тажрибалар бизни шундай хулосага ундадики, албатта, сиз ва биз – ҳар биримиз ўз туманимизда мана шундай замонавий корхоналар ташкил этишга қодирмиз. Аграр соҳада илм ва амалиётни уйғунлаштириш, сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, рақамли мониторинг ва ҳисобдорликни кучайтириш, қўшиқчиларни қўллашнинг яратилиши даромаднинг энг асосий омилдир. Бу борадаги энг муҳим жиҳат – инновацион технологияларни қўллаш ва натижага асосланган бошқаруви таъминлашдан иборат. Ҳар биримиз ўз туманимизда аграр соҳа драйверларини илмий асосда ривожлантириш учун илмий-тадқиқот институтлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатсак, агродронлар ва кенг қамровли механизация орқали ер ва экинлар мониторингини кучайтириш, наслчилик марказларини ривожлантириш орқали маҳсулдорликни ошириш, замонавий лабораториялар ва қўчатхоналарни ташкил этиш билан сифатли уруғчилик ва на яратилиши йўлга қўйсақ, лўнда қилиб айтганда, инновация ва илм билан уйғунлашган ёндашувга эришсак, катта натижаларни қўлга кира оламиз. Бу ёндашув аграр соҳани фақат қимомаш ёшлаб чиқарувчи эмас, балки юқори қийматли маҳсулот етказиб беришчи замонавий иқтисодий тармоққа айлантиришга хизмат қилади.

Хурматли Президентимиз жорий йилни аграр соҳада янги босқич, яъни самарадорлик ва технологиялар йили сифатида белгилаб берди. Белгиланган вазибалар қўлами ва микёси билан аҳамиятидир: 891 минг гектарда 76-схема асосида пахта етиштириш, 300 минг гектарда "Шинжон тажрибаси"ни жорий этиш, 500 минг гектарда қўроқчилик ва шўрға чидамли навларни экиш орқали хосилдорликни ошириш кўзда тутилган.

Соҳага жами 35 трлн. сўм қўллаб-қувватлаш маблағлари йўналтирилиб, 2,2 трлн. сўм субсидия берилди. Озиқ-овқат экспортини 3,2 млрд. доллардан ошириш, чорвачиликни ривожлантириш учун 100 минг бош қорамол ва 200 минг бош қўй-эчки импорт қилиш, 157 млн. доллар халқаро молиявий ресурс жалб этиш ҳамда 70 минг километр очиқ дренаж тармоқларини ёпиқ тизимга ўтказиш каби чоралар соҳада туб сифат ўзгаришларини таъминлашга қаратилган. Бу вазибаларни ундаш учун ҳар биримиздан янгиликлар ёндашув, самарадорлик ва ҳалоллик талаб қилинади. Ҳар бир қарор ер давлатимиз ва келажак авлод олдидagi масъулиятимиздир. Биз фақат режаларни бажариш билан чекланмасдан, сифат ва барқарор натижага эришишни мақсад қилишимиз керак.

Хурматли соҳа ходимлари, фермер ва тадбиркорлар!

Биз барчангизни замонавий технологиялар ва инновацион ёндашувларни фаол қўллашга, тажриба ва билимларини очик ва узвий алмаштиришга, ҳар бир ишда ҳалоллик ва очиқликни таъминлашга ҳамда ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муҳитини мустаҳкамлашга қақриб қоламиз.

Қишлоқ хўжалигида барқарор ўсиш бу фақат бир ташкилотнинг эмас, барчамизнинг умумий вазибамиздир. Фақат биргаликда ҳаракат қилсакгина, стратегик мақсадларга эришишимиз мумкин. Биз очик мулоқотга ва барча тақлиф ҳамда ташаббусларни қўллаб-қувватлашга тайёрлигимизни билдирмоқчимиз. Келгусида соҳа ходимларини янада фаол ҳамкорликка, билим ва тажриба алмаштиришга тақлиф этамиз. Хурматли Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазибаларни сифатли бажариш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳудудимиз аграр салоҳиятини юксалтириш учун барча ресурслар ва ҳаракатларимизни сафарбар этишга тайёрмиз. Шу ўринда, ўқув машғулотлари ва таништирув таширлари давомида

олинган билим ва таассуротларимиз билан ўртоқлашмоқчимиз:

Бабаназар ТОРЕШОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Қонлиқўл туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари – туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи.

Мен учун ушбу курс ҳақиқатан ҳам фойдали бўлди. Илм ва амалиётни бирлаштирган ҳолда кўп нарсани ўргандим. "SmartFarm" ва "DronService" лойиҳаларини амалда кўриш, сунъий интеллект асосида қарорлар қабул қилиш жараёни билан танишиш катта тажриба бўлди. Шубҳасиз, олинган билимларни ҳудудимизда қўллаш ишини самарали ташкил қилишга хизмат қилади.

Азамат МИРЗАБЕКОВ,
Сирдарё вилояти Ховос тумани ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари – туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи.

Ўқувлар давомида агролабораториялар, иссиқхоналар ва чорва комплекси фаолияти билан яқиндан танишдик. Бу ерда биз рақамлаштирилган мониторинг, замонавий лаборатория текширувлари ва қайта ишлаш жараёнида ҳақиқатда билим, уларни ўз ҳудудимизда қўллаш имконияти пайдо бўлди. Энди ҳамкасбларимиз билан йўл хариталари тузиб, амалиётда қўллашга киришамиз.

Латифжон ЖўРАЕВ,
Андижон вилояти Балиқчи тумани ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари – туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи.

Курс иштирокчилари билан очик ва узвий мулоқот қилиш, билимларимиз билан ўртоқлаш шубҳасиз фойдали бўлди. Шахсан мен орттирилган тажрибани қўшиқчилар яратилишида қўллашга. Бу фермерлар ва тадбиркорларнинг даромадини ошириш, иш самарадорлигини яхшилашда ёрдам беради.

Зафар ҒУЛОМОВ,
Навоий вилояти Навбахор тумани ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари – туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи.

Биз фақат режаларни бажариш билан чекланмаслигимиз керак. Ҳар бир гектар ер ва ҳар бир ҳаракатимиз аҳолимиз ва келажак авлод олдидagi масъулиятдир. Ҳамкорликда, очиқлик ва ҳалоллик асосида ҳаракат қилсак, соҳада аниқ ва самарали натижаларга эришиш мумкин.

Асосий мақсадимиз:

КОРРУПЦИЯДАН ХОЛИ ЛИЗИНГ ТИЗИМИНИ ШАКЛАНТИРИШ

Коррупция иқтисодий тараққиётга, адолатли рақобат муҳитига ҳамда жамият ишончига путур етказувчи жиддий таҳдиддир. Аиниқса, молиявий ресурслар билан боғлиқ соҳаларда шаффофлик ва қонунийликни таъминлаш устувор аҳамият касб этади.

Президентимиз 2025 йил 26 декабрь куни Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатнома-сида коррупция жамиятда ишонч муҳитини заифлаштирувчи хавфли омил эканини алоҳида таъкидлаб, 2026 йилни коррупцияга қарши курашишда "факультетларда ҳолат" йили сифатида белгилаб ташаббусларни илгари сурди. Мазкур устувор вазибалардан келиб чиқиб, "Ўзагрорлизинг" акциядорлик жамиятида коррупцияга қарши мурасасиз курашиш, лизинг жараёнларида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, коррупциявий хавф-хатарларни барвақт аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олиш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида ички назорат механизмларини янада такомиллаштириш ва рақамлаштириш орқали инсон омилини қисқартиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Жамиятимиз қишлоқ хўжалиги соҳасини замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш, фермер хўжаликлари ҳамда тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш орқали аграр тармоқ самарадорлигини изчил оширишга хизмат қилиб келмоқда. Лизинг механизми асосида техника ва ускуналарни қўлай шартларда молиялаштириш, шунингдек, маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш АЖ фаолиятининг устувор йўналишлари ҳисобланади. Шу билан бирга, лизинг шартномаларини расмийлаштириш, молиявий ҳисоб-китобларни юритиш, техникаларни тақсимлаш ҳамда тўлов интизомини назорат қилиш жараёнларида адолат, тенглик ва қонунийлик тамойилларига қатъий

Азиз юртодошлар!

Агар "Ўзагрорлизинг" АЖ тизимида, шартномаларни расмийлаштириш, тўлов жараёнлари ёки бошқа хизматлар билан боғлиқ коррупциявий хатти-ҳаракатлар, ноқонуний талаблар ёки қонунбузарлик ҳолатлари ҳақида маълумотга эга бўлсангиз, қуйидаги алоқа воситалари орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз: Коррупцияга қарши мурожаатлар учун махсус саҳифа: <https://uzal.uz/korrupsiyaga-qarshikurashish/>

Электрон почта:
anticor@uzal.uz
Телеграм бот:
@uzal_bot
Ишонч телефони:
(+99871) 207-30-55

Мурожаатлар махфийлиги кафолатланади ва ҳар бир ҳолат юзасидан қонуний чоралар кўрилади. Ишонманки, биз биргаликда очик, шаффоф ва коррупциядан холи лизинг тизимини шакллантириб, аграр соҳада барқарор тараққиётга муносиб ҳисса қўшамиз.

Эълон

"Махам-Чирчиқ"

aksiyadorlik jamiyati vakolatli omborlar tashkil qilish bo'yicha tanlov e'lon qiladi

"Махам-Чирчиқ" акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилган минерал о'ғ'итлар ва бoshqa mahsulotlarni vaqtinchalik saqlash bo'yicha xizmat ko'rsatish to'g'risidagi shartnomalarni tuzishda tadbirkorlik subyektlari va boshqa talabgor korxonalar o'rtasida teng raqobatbardoshlik jarayonining xolis va shaffof o'tkazilishini ta'minlash maqsadida, Andijon viloyati hududida jamiyat tomonidan ishlab chiqarilgan mineral o'g'itlarni saqlashga mo'ljallangan vakolatli omborlarni tashkil etish tanlov asosida o'tkazilishini e'lon qiladi.

Mineral o'g'itlarni saqlash uchun texnik va xavfsizlik talablariga to'la javob beradigan vakolatli omborlarni hamda uni tashkil etuvchi munosib talabgorlarni tanlab olish tanlov asosida maxsus tartibga asosan amalga oshiriladi va texnik topshiriqda belgilangan shartlarga asosan tanlab olinadi.

Tanlovda O'zbekiston Respublikasining qonun hujjatlariga muvofiq tashkil etilgan, sog'lom moliyaviy faoliyatga ega bo'lgan, o'z mulkida, xo'jalik yuritishda yoki operativ boshqariladigan alohida mol-mulkka ega bo'lgan hamda o'z majburiyatlari yuzasidan ushbu mol-mulk bilan javob beradigan, mustaqil balansiga yoki smetasiga ega bo'lgan tashkilotlar qatnasha oladi.

Tanlovda ishtirok etish uchun tanlov takliflari muhrlangan konvertda 2026-yil 13-mart soat 18-00 ga qadar qabul qilinadi.

Vakolatli ombor tanlovda ishtirok etish uchun zarur hujjatlar va qo'yiladigan tanlov haqidagi to'liq ma'lumotlar korxonaning veb-saytida mavjud. (www.maxam-chirchiq.uz)

Ma'lumot olish uchun pochta manzili:
Toshkent viloyati, Chirchiq shahri,
Toshkent ko'chasi 2-uy.
Telefon: (99) 229-28-22, 851-10-08
E-mail: birga@maxam-chirchiq.uz

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ, ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА ТАЛАБАЛАРИГА МУРОЖААТНОМА



Нарзулло ОБЛОМУРАДОВ,
Тошкент давлат аграр университети ректори, профессор.

(Боши 1-саҳифада)
Зеро, олий таълим тизимининг самарадорлиги мамлакатнинг барқарор тараққиёти ва иқтисодий ривожланишини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади.

Аграр соҳа бугун озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, sanoat тармоқлари учун зарур бўлган маҳсулотларни етказиб бериш, экспорт салоҳияти ва инновацион тараққиётнинг ҳал қилувчи омилига айланмоқда. Демак, биз тайёрлаётган ҳар бир мутахассис Янги Ўзбекистон келажакнинг бунёдкоридир.

Муҳтарам Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган вазибалар асосида университетимизнинг механизация ва агромуҳандислик таълим йўналишларида тахсил олаётган талабаларини "дуал" таълим тизимини доирасида бевосита Чирчиқ шаҳридаги агро-техник университетга ўқитиш йўлга қўйилмоқда. Бу тизим талабаларга нафақат назарий билим олиш, балки ишлаб чиқариш муҳитида амалий тажриба тўплаш ва иш ҳақи олиш имкониятини яратмоқда.

Тошкент давлат аграр университети ҳаётига тизимли равишда жорий этиш учун қуйидагиларни устувор вазифа сифатида белгилаб олдик:

1. Университетда ҳар бири 5 нафар талабани бирлаштирган "Келажак фермерлари" экспериментал жамоалари ташкил этилиб, аграр таълим соҳасида янги ташаббус бошланмоқда. Ҳар йили камида 500 нафар талаба махсус амалий дастурда иштирок этади. Илғор кластер ва фермер хўжаликларида дуал таълим йўлга қўйилади. Юз нафар битирувчига ўз фермерлик фаолиятини бошлашга

лаштирилмоқда. Ушбу жамоалар ўқув йили давомида 10 сотих ер майдонини ўзлаштириб, ўзлари экин экишади. Улар ернинг умумдорлигини ошириш, серхосиллик ва юқори даромад кўрсаткичлари асосида баҳолашиб, қурдан курсга ўтади. Президентимиз томонидан эътибор этилган ушбу ташаббуслар университетимизда тахсил олаётган ёшлар учун янги имкониятларни очиб беради. Биз замонавий фикрлайдиган, янги технологияларни биладиган ёш фермерларни тайёрлаймиз.

2. Аграр соҳада дрон технологиялари, роботлаштирилган тизимлар ва рақамли бошқарув механизмларини кенг жорий этиш орқали тармоқни янги босқичга олиб чиқиш кўзда тутилмоқда. Шу мақсадда 5 та замонавий лабораторияни ишга тушириш режалаштирилган бўлиб, уларда талабалар "Ақлли қишлоқ хўжалиги", автоматлаштирилган бошқарув ва илғор агротехнологиялар йўналишида амалий билим ва кўникмаларга эга бўладилар. Бундан ташқари, камида 200 нафар талабанинг халқаро сертификатга эга бўлиши таъминланади. Бу уларнинг касбий салоҳиятини ошириб, халқаро стандартлар асосида ишлаб оладиган мутахассислар тайёрлашга хизмат қилади. 3. Ёшлар гоёси ўз вақтида қўллаб-қувватланса, у йирик ва барқарор лойиҳага айланади. Шу мақсадда 20 та стартап лойиҳасини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Бу лойиҳалар ёшларнинг инновацион фикрлари ва амалий ишланмалари асосида шакллантирилади. Инвесторлар билан учрашувлар ташкил этиш орқали истиқболли гоёлар молиявий қўллаб-қувватланади ва бозорга чиқиш имконияти кенгайтирилади. Илмий ишланмаларни тижоратлаштириш жараёни эса университетда яратилган билим ва технологияларни иқтисодий қийматга айлантиришга хизмат қилади. Натижада, университет инновация ва стартаплар марказига айланиб, ёшларнинг ташаббуслари амалий лойиҳаларга, лойиҳалар эса муваффақиятли бизнесга айланадиган самарали экотизим шакллантирилади.

4. Ёшлар дунёқарашини кенгайтириши ва халқаро тажриба орттириши замонавий мутахассисни шакллантиришда муҳим омил ҳисобланади. Шу мақсадда 150 нафар талабани хорижий амалиётга юбориш режа-

лаштирилмоқда. Ушбу амалиёт жараёнида улар илғор тажрибаларни ўзлаштириб, халқаро сертификат ва амалий кўникмаларга эга бўладилар. Бундан ташқари, талабаларнинг касбий маҳоратини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, тил тайёрлашнинг кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Бу эса уларнинг халқаро муҳитда эркин ишлаш ва мулоқот қилиш имкониятини кенгайтиради.

5. Бизнинг бош мақсадимиз, битирувчиларни иш билан таъминлаш даражасини юз фоизга етказиш орқали ҳар бир ёш мутахассиснинг ўз йўналиши бўйича муносиб иш ўрнига эга бўлишига эришишдир. Университетимизни Марказий Осиёда етакчи аграр таълими ва инновациялар хабига айлантириш.



Эндиликда ҳар пайшанба мамлакатимизда "Ёшлар куни" сифатида белгиланади. Университетимизда ҳам ҳар ҳафта талабалар муаммоларини тинглаш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва аниқ ечимлар қабул қилиш тизимини жорий этилмоқда. Шу билан биргаликда битирувчи ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамда вилоятдаги 22 та туман-шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда битирувчи ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган очик мулоқотлар ташкил этилди. Дуал таълим тизимини кенг жорий этиш, ишлаб чиқариш корхоналари билан интеграцияни мустаҳкамлаш орқали талабаларни ўқиш жараёнида амалий фаолиятга жалб этиш ва улар учун доимий иш ўрни яратиш муҳим вазифа сифатида белгилаб олинди.

Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун қўшимча 200 миллион доллар ажратилиши, кредит миқдорларининг 300 миллион сўмдан 10 миллиард сўмгача оширилиши бу улкан имкониятдир. "Келажак тадбиркори", "Кўмак", "Менинг биринчи касбим" дастурлари доирасида гаровсиз 20 миллион сўмгача, янги бизнес бошлаётганларга 300 миллион сўмгача, фаолиятини кенгайтирувчиларга 2 миллиард сўмгача, 5 нафар битирувчининг ишга олганларга 10 миллиард сўмгача кредитлар ажратилади. "Келажакка қадам" ташаббуси ва инновацион хабарлар гоёси ёшлар учун янги имкониятлар эшигини очди. Бу ташаббус орқали улар ўз гоё ва стартапларини амалга ошириш, замонавий технологиялар

кум ва олий таълим муассасаларида стартапларга бир миллиард сўмгача молиявий ёрдам берилиши эса ёшларни илмий-амалий изланишга ундайди. "Менинг биринчи касбим" дастури орқали битирувчиларга ойига 2 миллион сўмгача стажировка стипендияси тўлашни битирувчиларимиз учун катта тажриба мактабидир. "Work and travel" дастурлари ва хорижий стажировкалар орқали талабаларимиз халқаро меҳнат бозорида чиқиш имкони янада кенгайди.

"Китобхонлик маданиятини ривожлантириш" жамғармаси орқали ижодкорларга ойига 20 миллион сўм ҳақ тўлашни, энг фаол китобхонларга мукофот берилиши – ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қилади. Университетимизда ҳам китобхонликни тарғиб қилиш, илмий тафаккур ва мафқуравий иммунитетни мустаҳкамлаш бўйича тизимли ишлар янада кучайтирилади. Университет ҳудудида Book safe фаолияти йўлга қўйилди, ахборот-ресурс марказининг замонавий инфратузилмаси яратилди, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилишга қаратилган танловлар ташкил этилади.

Хурматли ҳамкасблар!

Эндиликда ҳар биримиз ёшлар билан ишлашнинг мулақо янги тизимга ўтишимиз шарт. Президентимиз белгилаб берган вазибалар ижроси университетимизда аниқ "йўл харитаси" асосида таъминланади.

Сиз талабалар!

Бугун Сизларга кенг имкониятлар эшиги очилмоқда. Грантлар, стартап лойиҳалар учун кредитлар, инвестициялар, касбларни етказишга оид янги дастурлар, халқаро таълим олиш имкониятлари шулар жумласидандир. Айни вақтда Сизлардан билим олиш, касб-хунарни ўрганиш, хорижий тилларни етказиш ва яратилган кенг имкониятлардан унумли фойдаланиш талаб этилади.

Ишончим комилки, Тошкент давлат аграр университети ёшлари аграр соҳанинг юқори суръатларда ривожланиши, экспорт салоҳиятини юксалтириш ҳамда замонавий инновация ва агротехнологияларни қўллаш руҳсат берилиши, "Усиш ва ривожланиш" дастури доирасида 2 миллиард сўм ажратилиши аграр соҳа ёшлари учун кенг йўл очди. Техник

Рами кўп йиллик ўсимлик бўлиб, толаси табиий ва жуда мустаҳкам бўлгани учун саноатда кенг қўлланилади



Рами толали экинни

УНИ ТОЛА ОЛИШ МАҚСАДИДА ЭКИШ ВА ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ ҚАНДАЙ БЎЛДИ?

(Боши 1-саҳифада)

Хитой об-хавоси, иқлим шароити Республикамиз иқлим шароитига яқин. Чунки Хитойда Ўзбекистондаги каби кўп майдонда пахта етиштириб келинади. Шуларни эътиборга олган ҳолда янги ташкил этилган “Толали экинлар илмий-тадқиқот институти” давлат муассасасида Рами толали ўсимлигини тола олиш мақсадида етиштириш ва унинг хусусиятларини ўрганиш йўналишида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

“Рами толали” номи билан маълум бўлган ўсимлик ботаникада рамие (*Boehmeria nivea*) деб аталади. У кўп йиллик ўсимлик бўлиб, толаси табиий ва жуда мустаҳкам бўлгани учун саноатда кенг қўлланилади.

Рамие асосан, илдиз бўлаклари ёки поя кесмалари орқали кўпайтирилади. Рами етиштиришда уни уруғлари, илдиз бўлаклари ва поя кесмалари билан экиш мумкин. Бироқ, жуда яхши ва амалий деб ҳисобланадиган ўсимлик материаллари бу илдиз бўлаклари. Ушбу материал юқори маҳсулдор навлардан олиними ва 2 ёшдан катта бўлиши керак. Агар Рами экинини поя кесмалари ёрдамида кўпайтириш керак бўлса, унинг етилган пояидан ҳар бирнинг узунлиги 15-20 см. бўлган поя кесмалари кесиб олинади. Кейин поя кесмалари янги курткалар пайдо бўлгунча нам жойга экилади ва одатда бир ҳафта ичида янги курткалар пайдо бўлади.

Тажрибаларни ўтказиш учун Марғилондаги “Табиий толалар илмий тадқиқот институти”дан 2 ёшдаги илдиз бўлаклари олиб келинди. Ҳар бир тупда 4-7 донагача илдиз бўлаклари бўлгани учун улар эҳтиёткорлик билан якка илдиз бўлақчаларига ажратилиб, олдиндан тайёрлаб қўйилган тажриба участкасига 2025 йил 22 апрель кунини экилди.

Рами экиннинг илдиз бўлаклари билан экилган тажриба участкаси

Тажриба участкасида қаторлар оралиғи 76 см., кўчатлар оралик масофаси 50 см.га тенг қилиб

олинди. Бир гектар майдон учун кўчатлар сонини ҳисоблайдиган бўлсак, 26315 туп илдиз бўлаклари керак бўларкан. Лекин ернинг ҳосилдорлик даражасига қараб кўчатлар орасидаги масофани 70 см.гача узайтириш ҳам мумкин экан. Чунки, Рами экинни вегетация даврида туланиши ёки поялар сони кўпайиш хусусиятига эга экан. Чет эллик мутахассислар ҳам ҳар гектар майдон учун 21-22 минг илдиз бўлақчаларини экинни тавсия қиладилар.

Рами ўсимликларининг ўсишини тезлаштириш ва ҳосилдорлигини ошириш учун экишдан олдин қўлланиладиган гўнга қўшимча равишда минерал ўғитлар солиш керак. Минерал ўғитлар ўсимликлар 2-3 ҳафталик бўлганда, карбамид ва аммафос аралашмаси шаклида қўлланилади. Умуман олганда, ўғитларнинг дозаси тупроқ унумдорлигига боғлиқ, аммо аммафос 25-50 кг/га., карбамид 100-150 кг/га. ва калий 50-100 кг/га.гача ишлатилиши мумкин.

Ботгор саноат илмий-тадқиқот институти маълумотларига кўра, Рами экиннинг ҳар гектарида ўртача ҳосилдорлик тахминан 36 тонна нам пояни ташкил этади, бу нам поядан тола бўйича ҳосилдорлиги 3,5 дан 4 фоизгача, шунинг учун бунда тахминан 1,3 тонна/га қуруқ тола олиниши мумкин деб тахмин қилинади. Бир йилда гектарига Рами ўсимликларидан олинадиган нам поя 125 тоннани ташкил этади, 40 фоиз яшил барглар (50 тонна) ва 60 фоиз нам поялардан (75 тонна) иборат бўлиб, 3,5 фоиз (2625 тонна) қуруқ тола олинади ва 16 фоиз (12 тонна) чиқинди ҳосил бўлади.

Тадқиқотларга кўра, Рами ўсимлигининг баландлиги тола ҳосилдорлиги учун асосий ҳал қилувчи омил ҳисобланади, чунки рами толаси қобигидан олинади, шунинг учун поялари қисқарок бўлса, охириги тола ҳосилдорлиги ҳам камроқ бўлади. Худди шундай, ўсимликнинг узунлиги ва диаметри толанг ҳосил бўлиш омиллини ҳам кўрсатади. Рами экинни толасининг энг юқори маҳсулдорлиги тоғларда кузатилган, йилига олинган тола миқдори 2,5-3 тоннагача етган. Ўртача

текисликларда экилган майдонлардан йилига олинган тола миқдори 2-2,5 тонна, паст текисликларда эса, 1,5-2 тонна бўлганини таъкидлаш мумкин. Бу ўсимликни йиғиш учун тўғри вақт гуллашни бошлаганида. Ушбу босқич бошланганда, ўсимлик энг юқори миқдордаги толага эга бўлади ва ўсиши секинлашади ёки псайишни бошлайди. Ўрим-йиғим вақти келганда, илдизларнинг тепасидан кесилади ёки поялари эгилади. Агар ўсимликлар йиғим-терим белгиларини кўрсатса, ўрим-йиғим дарҳол амалга оширилиши керак. Агар сиз уларни 2 ҳафтадан кўпроқ вақтга қолдирсангиз, ҳосил бўлган Рами толасининг сифати ёмонлашади ва янги курткалар ўсиши учун яхши имкониятга эга бўлмайди.

Рами ўсимлиги поялари ердан 5-10 см. баландликда кесилиб, тезда қобигидан тозаланиши керак. Агар ўсимлик поялари қурийдиган бўлса, қобигини олиб ташлаш ва толаларга етиб бориш анча қийин бўлади. Шундан сўнг, қобиқ бактериялар ва замбуруғларнинг толаларга тушишининг олдини олиш учун иложи борича тезроқ қуритилади.

Рами толасининг хусусиятлари: ранги оқ, саргайишга бардошли, ранг ўзгариши, чириши осон эмас, бошқа ўсимлик толалари билан солиштирилганда, толаси зигир, ипак ва пахта толасидан 7 баравар кўпроқ кучланиш кучига эга. Намликни ютиши 12 фоизни ташкил қилади, бу пахтадан юқори, чунки пахта 8 фоизгача намликни ютади. Кимёвий таҳлил шуни кўрсатадики, целлюлоза рами толасининг асосий компоненти ҳисобланади.

Бугунги кунда Рами тўқимачилик саноатининг турли соҳаларида кенг қўлланилади. Ушбу материалдан форма ва махсус кийим ишлаб чиқаришда фойдаланиш айниқса, машур. Унинг ноёб хусусиятлари қулайлик ва чидамликни бирлаштирган маҳсулотларни яратишга имкон беради. Маиший тўқимачиликда Рами кўпинча стол тўқимачилик, гилам қопламалари, техник матолар қилиш учун қўшлаб ишлатилади.

Замонавий тадқиқотлар раминни қайта ишлаш технологияларини такомиллаштиришга қаратилган. Олимлар толангнинг қаттиқлигини камайитириш ва унинг бўйаш хусусиятларини яхшилаш усуллари устида ишламоқда. Экологик тоза тола ишлаб чиқариш учун биотехнологияларни ишлаб чиқиш алоҳида қизиқиш уйғотади. Рамининг техник матолар ва махсус кийимлар ишлаб чиқаришдаги улуши ортиши кутилмоқда. Экстремал иш шароитлари учун химоя кийимларини яратишда ушбу материалдан фойдаланиш айниқса, истиқболли ҳисобланади.

Хитой дунёдаги энг йирик Рами ишлаб чиқарувчи давлат бўлиб қолмоқда, бу бутун дунё бўйлаб рами ишлаб чиқаришининг 97 фоизини ташкил қилади.

Рами толасининг мустаҳкамлиги ва намликни ютиши жиҳатидан ажойиб хусусиятларини ҳисобга олсак, у кийим учун тўқимачилик материали сифатида ишлатилиши мумкин. Бундан ташқари, у техник тўқимачилик материали сифатида фойдаланиш учун ҳам жуда месо келади. Ўзбекистоннинг географик шароити Рами толали экинни ватани ҳисобланган Хитой давлати иқлим-шароитига яқин бўлганлиги ҳам ўсимликнинг ривожланиш учун жуда қўлайдир. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Рами толасини ажратиш, қуритиш технологик ускуналари тизимини ишлаб чиқиш мақсадаги мувофиқдир.

Раҳматқоли НАЗИРОВ,

Толали экинлар илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири, техника фанлари номзоди, катта илмий ходим.

ларни узоқ вақт, мунтазам ичиб юриш натижасида келиб чиқадиган алкоголизм касаллиги. Мутахассисларнинг аниқлашчи, спиртли ичимликнинг ҳатто юз грамм миқдори ҳам соғлом одамнинг бош мия фаолиятини ўзгартириб юборар экан. Маълумотларга қараганда, психоневрологик диспансерларга мурожаат қилувчи руҳий касалликларга дучор бўлганларнинг энг кўпи ичкиликбозликка мубтало бўлганлардир. Ичкиликка ўрганган киши секин-асталик билан захарланади. Кейинчалик эса ичмасдан тура олмайдиган бўлиб қолади, оғир маст бўлгунча ичаверади. Натижада сержаҳллик, уйку бузилиши, масъулиятсизлик, бошқаларга ва ҳатто ўзига ишонмаслик, тез толиқиш, умумий ҳолиқлик аломатлари сезилади. Касалликнинг олди олинмаса, асаб тизими бутунлай издан чиқди ва руҳият ўзгаради. Улуғ мутафаккир Платон ўз даврида “Мастилик – бу ихтиёрнинг жинниликдир”, деган эди. Ичкилик натижасида қатор оғир хасталиклар, айниқса, ошқозон-ичак, бош мия, руҳий ҳолат бузилиши, жигар, юрак-қон томир тизими касалликлари келиб чиқади. Фарзандлар ирсий касалликлар билан дунёга келади. Ичувчиларда умр кўриш давомийлиги ичмайдиганларга нисбатан камда 10 йилга қисқаради. Яна бир дахшатли томони ичкиликбозликка дучор бўлганлар соғломларга қараганда юз баравар кўп жиноят содир этади ёки шунга мойил бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, бу иллатлар унга мубтало бўлганларнинг нафақат ўзига, балки яқинларига, жамиятга, айниқса, ёшларга ҳар томонлама салбий таъсир кўрсатади ва охир-оқибат истиқболга ҳам таъсир қилади. Шунинг учун ҳар бир инсон бундай иллатлардан узоқ бўлиши, яқинлари, қолаверса, жамоат назоратининг субъекти сифатида беғоналарни ҳам бундай йўللарга кириб қолишдан асраши керак.

Алишер ҚУРБОНОВ,

Тошкент ҳарбий прокурори ёрдамчиси, адлия подполковниги.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ – ХАЛҚ ВА ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ КЎПРИК

Мамлакатимизда фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш, жойларда аҳоли томонидан кўтарилган муаммоларга ечим топиш ва инсонларнинг ҳаётдан розилигига эришиш – давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири. Бу борада республикаамизда аҳолининг долзарб муаммоларини тезорорлик билан бартараф этиш имконини берувчи, фуқароларнинг барча даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига мурожаат қилишининг самарали тизими фаолият юритмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Наманган вилоятидаги Халқ қабулхонасида ҳам мурожаатлар билан ишлашни янги сифат босқичга олиб чиқиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Президент фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида халқ билан мулоқотни янада кенгайтириш орқали аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш тизимининг самарадорлигини оширишга қаратилган аниқ мақсад ва вазифалар белгиланган берилгани фаолият ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда. Аҳоли билан юзма-юз мулоқот тарзида ташкил этилаётган сайёр қабуллар қабулхона фаолиятда мурожаатлар ечимининг энг таъсирли механизмидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Бу жараёнда масъул раҳбарлар туман ва маҳаллаларга бориб, фуқароларни тингламоқдалар, уларнинг дарду ташвишлари, муаммоларини ўрганиб, ечим топишга ҳаракат қилмоқдалар.

– Ўтган 2025 йил давомида вилоятдаги давлат идоралари ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан ўтказилган сайёр қабулларда 17 мингга яқин мурожаатлар кўриб чиқилди, – дейди Ўзбекистон Республикаси Президентининг Наманган вилоятидаги Халқ қабулхонаси бош мутахассиси Ғайратжон Бобожанов. – Мурожаатларнинг 9 832 таси, яъни 60 фоизи ажойиб ҳал этилди, 6 561 та мурожаатга тушунтириш ва ҳуқуқий маслаҳат бериш орқали ечим топилди.

Дарвоқо, мутасадди раҳбарлар томонидан вилоятдаги маҳаллаларда ҳар ҳафта сайёр қабуллар ташкил этилмоқда. Сайёр қабуллар олдинда ижтимоий тармоқларда эълонлар жойлаштирилипти. Қабуллар ва уларнинг натижалари ҳақида ҳам кенг жамоатчилик ҳолис ахборот ва аниқ маълумотлар етказилмоқда. Сайёр қабул фақат фуқаролар учунгина эмас, балки масъул идоралар фаолияти учун ҳам муайян синов майдони ҳисобланади. Чунки ҳар бир берилган савол, ҳар бир мурожаат – амалий ишга бўлган муносабатни кўрсатади ва кучайтиради. Йўл қўйилаётган камчиликлар, талаба жавоб бермаётган хизматлар ва ҳал қилинишни кутаётган масалалар айнан шу қабулларда очик-ойдин аён бўлмоқда. Натижада раҳбарлардаги масъулият, тизимда эса тезорорлик ва шафқофлик ортиб борапти. Қолаверса, тақрорий мурожаатларнинг олди олиниб, муаммоларни ҳал қилиш амалиёти самарадорлигини ошириш имкони юзага келмоқда. Фикримизни мисоллар билан изоҳласак. Бир мuddат аввал вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи томонидан ўтказилган

сайёр қабулда Наманган шаҳар “Чаман” МФЙида яшовчи фуқаро Р. Тиллабаева кардиология бўлимида даволаниши учун ордер берилишида амалий ёрдам сўради. Фуқаронинг бу мурожаатига жавобан, унинг вилоят кўп тармоқли марказий шифохонасининг кардиология бўлимида даволаниши учун йўлланма берилди. Натижа фуқарони қониқтирди ва миннатдорлигига сабаб бўлди. Шунингдек, Поп тумани “Гурумсарой” МФЙ, “Ёшлик” кўчасида яшовчи фуқаро М. Қурбоновнинг яшаш уйи худудида электр тармоғини тортиш масаласида қилган мурожаати ҳам қисқа фурсатларда ижобий ечим топди. М. Қурбоновнинг хонадонига 1 км. узунликдаги электр тармоғи тортиб берилди. Натижада биргина ушбу фуқарогина эмас, балки шу худуддаги аҳолининг электр таъминоти яхшиланиб, ўнлаб хонадонлар узлуксиз электр энергияси билан таъминланди.

– Сайёр қабулларда аҳолидан энг кўп мурожаатлар моддий ёрдам, болалар нафақаси, соғлиқни сақлаш, газ, электр, сув таъминоти, бандликни таъминлаш, уй-жой, тадбиркорлик, кредит ажратилиши ҳамда йўл қурилиши масалалари бўйича келиб тушмоқда, – дея сўзда давом этади суҳбатдошимиз Ғайратжон Бобожанов. – Сайёр қабуллар давомида тезорорлик билан ҳал этилиши зарур бўлган жамоавий характердаги мурожаатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мисол учун, вилояти Автомобиль йўллари бош бошқармаси раҳбари томонидан ўтказилган сайёр қабулдаги мурожаатга асосан, “Чўст – Аҳча қишлоғи – Поп шаҳри – Маданият қишлоғи” йўналишидаги автомобиль йўлининг 8-9 км. оралиғида транспортлар ҳаракатланишини назорат қилувчи махсус кузатув камераси ўрнатилди. Натижада, йўл ҳаракати хавфсизлиги таъминланиб, фуқаролар ҳамда транспорт воситаларининг эркин ва қўлай ҳаракатланиши учун зарур шароит яратилди.

Лўнда қилиб айтганда, сайёр қабуллар аҳоли муаммоларини жойида, тез ва самарали ҳал этиш имконини берапти. Худудларда йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этилишида давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарлари олдига кечиктириб бўлмас вазифаларни қўйилмоқда. Энг қувонарлиси, бу вазифаларнинг тўлақонли бажарилишига эришилаётган. Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари халқ ва давлат ўртасидаги масофани қисқартириб, жамият ҳамда фуқаролар ҳаётига доир масалаларнинг амалий ечим топишига хизмат қилмоқда.

Шаҳло ТОШБЕКОВА

Эълон

Тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!

“ZAMONAVI REALTOR XIZMATI” МҶЗ очик танлов савдопарига таклиф этади!

“ZAMONAVI REALTOR XIZMATI” МҶЗ томонидан ташкил этиладиган очик танлов савдопарига “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖнинг 2026 йил 3 мартдаги 104-сонли буюртманомасига асосан, “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ худудида жойлашган, лойиҳалаштирилиб, қурилиш режалаштирилётган ва мавжуд савдо шохбчаларининг ижарага олиш ҳуқуқни қўйилмоқда:

№	Савдо шохбчаларининг асосий тавсифлари	Бошланччи баҳоси сўмда
1	44-29-сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохбчаси.	123 600 000
2	44-30-сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохбчаси.	123 600 000
3	44-31-сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохбчаси.	123 600 000
4	44-32-сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохбчаси.	123 600 000
5	44-33-сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохбчаси.	123 600 000
6	44-34-сонли, умумий майдони 12,00 м² бўлган савдо шохбчаси.	123 600 000
7	19-17-сонли, умумий майдони 15,00 м² бўлган савдо шохбчаси.	154 500 000
8	19-18-сонли, умумий майдони 15,00 м² бўлган савдо шохбчаси.	154 500 000
9	19-19-сонли, умумий майдони 15,00 м² бўлган савдо шохбчаси.	154 500 000
10	19-17-сонли, умумий майдони 15,00 м² бўлган савдо шохбчаси.	154 500 000

Савдода иштирок этиш истиғини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб, расмий иш кўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Таклифларни қабул қилиш 2026 йил 3 апрель кунини соат 16:00 да тўхтатилади. Талабгорларнинг таклифлари 2026 йил 7 апрель кунини соат 11:00 дан бошлаб қўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади. Танлов савдо шу кун бўлиб ўтмаган тақдирда, таклиф савдопар 2026 йил 21 апрель, 5, 19 май, 2, 16, 30 июнь, 14, 28 июль, 11, 25 август, 8, 22 сентябрь кўнлари сотилгунга қадар соат 11:00 да ўтказилади. Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёлпқ конвертга солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади: – юридик шахслар учун давлат рўйхатидан

ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси; – жимноий шахслар учун СТИП ва паспорт нусхаси.

– Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани закалат сифатида “ZAMONAVI REALTOR XIZMATI” МҶЗнинг ХАТБ “DAVR BANK” Олмасор филиалидаги х/р. 20208000905740427002, МФО: 01121, СТИР: 311 041 441 га савдода иштирок этиш учун ариза топширувчи қадар тўлашлари шарт.

– Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк кунини ичида сотувчи билан ижара шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдопар ўтказилган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри Мирзо Илғубек тумани Ҳамид Олимжон кўчаси 13А-уй. Телефон: (71) 237-23-82.

Эълонлар

07-02/4685 рақами билан 1993 йил 1 мартда Катасанов Владимир Петрович номига берилган хонадонга эгаллик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

15-05/2006 рақами билан 2006 йил 10 апрелда Юсупов Каримжон номига берилган хонадонга эгаллик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

“Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулияти жамиятлар тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ, “AL-IBRAT” МҶЗ умумий йиғилишининг 03.03.2026 йилдаги қарорига асосан, жамиятнинг устав фонди 15 064 847 656,10 сўмдан 5 000 000 000,00 сўмгача камайтирилмоқда. Эътирозлар эълон қилинган кундан бошлаб 30 кун ичида қабул қилинади.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Жамоанинг гавҳари

Олий тоифали санитария шифокори Гавҳар Нишанова соҳада узоқ йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаётган тажрибали мутахассис. У 1958 йилда Наманган шаҳрида туғилган. 1982 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтининг санитария-гигиена факультетини тугатган. Шу йилдан бошлаб Наманган шаҳар санитария-эпидемиология станциясида санитария врачлари, врач-бактериолог, виллоят бошқармаси санитария-бактериология лабораторияси, болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўлими мудири сифатида иш олиб борди. 2018 йилдан ҳозирги кунга қадар бошқарманинг ўта хавфли юқумли касалликлар лабораториясида олий тоифали врач-бактериолог бўлиб ишлаб келаётган Гавҳар Мишевнинг энг муҳим фаолият йўналиши - ўта хавфли юқумли касалликларнинг лаборатор ташхиси ва уларнинг олдини олиш чораларини ташкил этишдан иборат. У шаҳар ва туманлардан келтирилган сув, тупроқ, қон ва бошқа намуналарни синчковлик билан текшириш орқали инфекциялар тарқалишининг олдини олишга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Шунингдек, санитария хизмати ходимлари учун мунтазам равишда долзарб мавзуларда ўқув-машғулотлар ўтказилишида ташаббускор, жамоат ишларида ҳам фаол. Шуни ҳам таъкидлаб ўтишимиз лозимки, Гавҳар Нишанова узоқ йиллар бошқарма касабаси уюшма бошлангич ташкилоти фаоли сифатида ишлаб, жамоада чуқур ҳурмат қозонган. Спорт, маданият ва маърифат тадбирларини ташкиллайтириш ва иштирок этади. Устоз самарали меҳнатлари учун 2006 йилда "Энг яхши санитария врачлари" дипломи билан тақдирланган бўлса, 2020 йилда пандемия давридаги фидокорона хизматлари учун "Меҳр-саховат" кўкрак нишонига сазовор бўлди. 2023 йилда эса "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочилиси" кўкрак нишонини билан мукофотланди. Кўплаб ёшларнинг устози Гавҳар опа каби ўз касбияга садоқатли аёллар тиббиёт соҳасидаги масъулият, инсонпарвар-

Қалбларда байрам шукуҳи

Меҳрингиздан тафти олар баҳор

лик, касбий маҳорат ва салоҳиятнинг ёрқин намунаси.

Нилуфар гулидек

Жамоанинг Нилуфар гулидек бетақор ва гўзал қалбли, нурли чеҳрали Нилуфарлари бор. Нилуфар Раҳмонова ҳамда Нилуфар Аҳмедовалар виллоят соғлиқни сақлаш тизимида кўпчиликка яхши таниш. Улар бошқармада кучли билим ва тажрибага эга мутахассислар сифатида эътироф этилади.

Нилуфар Раҳмонова бошқармада лаборатория диагностикаси ва бактериология йўналишида фаолият юритиб келаётган малакали мутахассис. Касбий фаолияти давомида замонавий лаборатория текширув усулларини амалиётга жорий этиш, инфекция касалликлар кўзгатувчиларини аниқлаш ва эпидемиологик барқарорлиқни таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келган.

Нилуфар мутахассис сифатида бактериологик тадқиқотлар, патоген микроорганизмларни ажратиш олиш ва идентификация қилиш, антибиотикларга сезувчанликни аниқлаш каби муҳим йўналишларда иш юритади. Лаборатория амалиётда сифат ва ишончлиликни таъминлаш, санитария-эпидемиология талабларига қатъий риоя этиш унинг фаолиятида устуворлик касб этади.

Нилуфар гулидек покиса қалбли Нилуфар Раҳмонова бактериология ва лаборатория диагностикаси бўйича сертификат соҳибаси, шунингдек, 2024 йилда Туркиянинг Анкара шаҳрида ўтказилган халқаро илмий-амалий анжуман ва ўқув машғулотлари иштирокчиси.

Аҳамиятисини, унинг ўзи фаолият юритаётган лабораторияни халқаро ISO 17025 стандарти талаблари асосида аккредитациядан муваффақиятли ўтиши жараёнида бевосита

Баҳор ва аёлни бир-бирига қиёслайдилар. Гўзаллиги, бетақорлиги, шўх-шаддодлиги билан чиндан ҳам улар бир-бирига жуда ўхшаш. Шугина эмас, улар шижоатда, яратувчиликда, тиниб-тинчимаслик ва садоқатда ҳам жуда-жуда ўхшаш. Қай бир жабҳани олманг, илмли, фидойи, ғайратли, изланувчан аёлларни кўрасиз. Улар борки, соҳаларда муваффақиятлар бардавон. Жумладан, Республика Санитария-эпидемиологик оқойишталар ва жамоат саломатлиги қўмитаси Наманган виллоят бошқармаси тизимида ҳам ўз касбия умрини бахшида этаётган хотин-қизлар жуда кўп.



иштирок этгани соҳанинг бу фидокор вакилининг касбий салоҳияти ва сифат бошқаруви тизимлари бўйича чунки у барчага юксак инсоний кўрсатади.

Аниқлик ва масъулиятни ёқтирадиган Нилуфар Раҳмонованинг жамоада ҳамжиҳатлиги таъминлашда, ёш мутахассисларга амалий кўмак беришда, уларнинг касбий маҳоратини оширишда ҳиссаси жуда катта. Чунки у барчага юксак инсоний фазилатлари билан намуна.

Нилуфар Аҳмедова ҳам бошқарманинг вирусология лабораторияси мудири сифатида сидқидилдан фаолият юритиб келмоқда. У 1978 йилда Учкўрғон туманида туғилган. 2000 йилда Тошкент давлат тиббиёт академиясининг санитария-гигиена факультетини таъминлаган. Виллоят бошқармаси

вирусология лабораториясида иш бошлаган кезларида қисқа вақт ичида масъулиятлиги, илмга чанқоқлиги ва ташаббускорлиги билан жамоа эътиборига тушди.

2006 йилда уни вирусология лабораторияси мудири этиб тайинлашди. Дастлабки йилларда лабораторияда асосан анъанавий серологик ва вирусологик усуллар қўлланилар эди. 2000 йил бошида имунофермент таҳлил (ИФА) усули амалиётга жорий этилди ва Нилуфар Аҳмедованинг ташаббуси ҳамда савий-ҳаракати билан бу усул босқичма-босқич кенгайтирилиб, лаборатория ишида етакчи ўринни эгаллади. Бугунги кунда лабораторияда 15 турдаги юқумли касалликлар бўйича таҳлиллар ўтказиб келинади.

Нилуфар Аҳмедова 2018-2019 йилларда ПЗР (полимераз зан-

жир реакцияси) лабораториясини ташкил этиш бўйича изланишлар олиб борди ва унинг бу ташаббуси муваффақият қозонди. Айнан мана шу замонавий лаборатория 2020 йилдаги "COVID-19" пандемияси даврида виллоят аҳолиси саломатлигини муҳофаза қилишда беқоқ аҳамият касб этди. Пандемия шароитида виллоятда қисқа муддатда 7 та ПЗР лабораториясини ташкил этилди, мутахассислар шошилинч тарзда ўқитилди ва аҳолига тезкор ташхис қўйиш хизмати кўрсатилди.

Ҳозирги кунда вирусли гепатитлар, урогенитал инфекциялар ҳамда инсон папиллома вирусининг 14 та онкоген турлари бўйича юқори аниқликда ПЗР таҳлиллари амалга оширилмоқда.

Нилуфарнинг мақсадлари улкан. Улардан бири лабораторияни ISO 15189 халқаро стандарти бўйича аккредитациядан ўтказиш, TORCH инфекциялари таҳлилларини тўғри баҳолаш тизимини йўлга қўйиш, гипердиагностиканинг олдини олиш ва урогенитал инфекцияларни эрта аниқлаш орқали она-бола саломатлигини мустаҳкамлашдир.

2020 йилда "Солиқ хизматлари учун" медали билан тақдирланган Нилуфар Аҳмедова меҳрибон устоз, ибратли оила соҳибаси ҳам. Икки фарзанд, бир набиранинг меҳрибон онаси ва бувижониси. Бахти бекам,

дея мана шундай толеи баянд аёлларга айтилса керак.

Норин қизи – дарёдил аёл

Бактериология лабораториясида узоқ йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаётган тажрибали мутахассис Дилфузахон Мирзахолова 1973 йилда Норин туманида туғилган. 1996 йилда тиббиёт институтини тугатган, ҳозирги жамоасида иш фаолиятини бошлаган. 1997 йилдан то 2019 йилгача марказнинг санитария-бактериология лабораториясида врач-бактериолог вазифасида ишлаган Дилфузахон опа 2020 йилдан буён бактериология лабораторияси врачлари ҳисобланади. Унинг асосий фаолияти аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, юқумли ва паразитар касалликларнинг олдини олиш ҳамда камайтириш, ташқи муҳит объектларининг микробиологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Табиийки, шаҳар ва туманлардан лабораторияга келтирилган ичимлик суви, очик сув хавзалари, ҳаво, тупроқ, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа намуналарни бактериологик усулларда текшириб, инфекция кўзгатувчи микроорганизмларни аниқлаш ва баҳолаш ишлари унинг зиммасида. Таҳлил натижалари асосида тегишли ташкилот ва муассасаларга тавсиялар берилиб, аниқланган микроблар ва уларнинг тарқалиш омиллари ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилди. Бу эса худудда санитария-эпидемиологик барқарорлиқни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Кечаяк кўз ўнгимизда, "COVID-19" пандемияси даврида Дилфузахон Мирзахолова ва унинг ҳамкасблари куну тун давомида махсус химоя кийимларида аҳолидан таҳлил учун намуналар олиш, фуқаролар ва ходимлар хавфсизлигини таъминлашда жонбозлик кўрсатди. У ўз билим ва малакасини мунтазам ошириб боришга одатланган. Утган йили "Central Asian Journal of Medicine" халқаро тиббий журналида унинг "Урогенитал касалликларда "Escherichia coli"нинг аҳамияти" мавзусидаги илмий мақоласи чоп этилди.

Дилфузахон опа меҳнатсевар,

камтар аёл. Ҳамкасблари орасида алоҳида обрў-эътибор қозонган. У кабилар борки, халқимиз саломатлиги ишончли қўлларда.

Хайри йўлдаги хайринса

Бошқарманинг яна бир фидойиси, олий тоифали мутахассис Хайринса Ҳайитова 1992 йилда Тошкент фармацевтика институтини тугатган, 33 йиллик иш тажрибасига эга. Шу кунгача турли масъул лавозимларда самарали иш олиб борди. Виллоят шифохонаси ички дорихонаси мудирининг ўринбосари, Давлатобод туманидаги 56-марказий дорихона мудири, Наманган Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникуми кафедра мудири сифатида эл хизматида бўлди, ёш кадрлар етиштиришга муносиб ҳисса қўшди. 2019 йилдан буён бошқарманинг иммунопрофилактика бўлими вакциналар сақлаш омборхонаси провизори лавозимида меҳнат қилиб келаётган бу қаҳрамонимиз пандемия даврида 187 дан ортқ ташкилот ва маҳалларга, касаллик билан оғриган беморларга кечю кундуз хизмат кўрсатди, аҳоли ўртасида иммунопрофилактика тадбирларини самарали ташкил қилишда фаол иштирок этди. Ана шу хизматлари учун 2020 йилда "Меҳр-саховат" кўкрак нишонини билан тақдирланди.

Хайринса Ҳайитова айни пайтда бошқарма хотин-қизлар кенгаши раиси сифатида ҳам иш юритиб келмоқда, жамоада маънавий-маърифий муҳитни мустаҳкамлаш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш йўлида бутун куч-ғайратини сафарбар этмоқда.

Юртда баҳор нафаси, қалбларда байрам шукуҳи. Шундай фусункор лаҳзаларда бир соҳанинг бир неча дилбарлари ҳақида сўз юритдик. Уларга ва юртимизнинг барча хотин-қизларига тилакларимиз – гулдек юзингиз асло ғам кўрмасин, чечаклар сизнинг табассумингиздан андоза олаверсин. Яқинлашиб келаётган байрамнинг муборак бўлсин!

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Biznesni Rivojlantirish Banki



Mart

Xalqaro xotin-qizlar kuni muborak bo'lsin!

www.brb.uz

1254



"Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки жамоаси

юртимиз аёлларини яқинлашиб келаётган 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами билан самимий муборакбод этади. Барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-омонлик, дунёдаги энг катта бойлик – оилавий бахт-саодат ёр бўлишини тилайди.



Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекси таркибидagi ҳамда бoшқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Bosh muharrir: Chori LATIPOV

Tahrir hay'ati:

Ibrohim ABDURAHMONOV, Shavkat Hamroyev, NARZULLO OBLUMURODOV, Eshmirza ABDUALIMOV, Habib TEMIROV, Raimqul SUYAROV (bosh muharrir o'rinbosari).

Ўзбекистон Matbuot va axborot agentligi tomonidan 2009 yil 13 fevralda № 0020-raqam bilan ro'yxatdan o'tkazilgan.

Hajmi 2 bosma taboq. Ofset usulida bosildi, qog'oz bichimi A-2. Nashr indeksi – 144.

Buyurtma G-317. 1910 nusxada chop etildi.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dizayner: Mapk YUSUPOV.

Tahririyat manzili:

Toshkent viloyati Qibray tumani, Universitet ko'chasi, 2-uy. Telefonlar: +998 77-080-43-70, +998 99-050-69-45.

Reklama va e'lonlar – (998 90) 317-19-16.

E-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Bahosi kelishilgan narxda.

Gazeta "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.

Bosmaxona manzili: "Buyuk Turon" ko'chasi, 41-uy. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021



Bosishga topshirish vaqti: 21.00

Bosishga topshirildi: 19.00